

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 11 июл
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 135 (2697)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Ислам КАРИМОВ:
«Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат қилсин».

«Тафаккур» журнали, 1998 йил, 2-сон.

Асрга татигулик йиллар

1998 йилнинг июн ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари матбуотда эълон қилинди. Ушбу суҳбатнинг мустақил тараққийимиз учун нақадар залворли аҳамиятига молик эканлигини унинг сарлавҳасининг ўзидек мана-ман деб айта турибди. Суҳбат: «Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат қилсин» деб аталди.

Нега йулбошимиз томонидан жамият мафқураси истиқлолий ривожланишимизнинг тақдирини ҳал этувчи, ҳаёт-мамат масалаларидан бири даражасида қатъий қўйилмоқда? Бу масалага ўша суҳбатнинг бошланғичидақ шундай жавоб берилди: «Мафкура бўлмас олам, жамият ўз йўлини йўқотиши мумкин. Иккинчидан, қаердаки мафқуравий бўлиш вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».

Жамият учун, айниқса, янги ҳаёт йўлига кирган Мустақил Ўзбекистон жамияти учун мафқуранинг сув билан ҳаводий заруриятини бундан-да равшан қилиб изоҳлаш қийин бўлса керак.

Турри, мустақиллиқни ўтган йиллари мобайнида миллий мафқуранинг яратилиш борасида муайян ишлар қилинди. Бироқ «мафкура» тушунчаси нимани аниқлатади, у жамият ҳаётига қандай ўрин тутгани, айниқса, миллий мустақиллик мафқурасининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат, деган ва бутун жамият онгига муаммо бўлиб турган саволлар мавжуд эдики, давлатимиз раҳбарининг юқоридagi суҳбати мана шундай вазиятда халқимизга қудратли маънавий раҳнамо бўлди.

Президент Ислам Каримов юқорида тилга олинган суҳбатда мустақиллик мафқурасининг тарихан янги ҳаёт моҳиятига алоҳида ургу берди. Унга «мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдир учун қай-қуралди. Ватан қисматини ўз қисмати деб билдирган кенг жамоатчиликнинг илгор дубқараш ва тафаккур» асос бўлишига эътиборни қаратди.

Йулбошимиз янги жамият мафқурасига янада аниқ таъриф бериб, унинг негизда умуммиллий мақсад-муддао турлини таъкидлар экан, жумладан, қуйидаги қарашларни илгари сурди:

«Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гуруриятини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирган улғу кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улғуворлиги, ҳаётлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммаимизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда энгилмас бир кучга айлансин».

Президентимизнинг «Жамият мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» номида ушбу суҳбати ўзининг теран дустурий мазмун-моҳиятига қўра, истиқлолнинг илк йилларида дунё юзини кўрган ва халқро миқсда улкан обрў-эътибор қозонган ўттиш даврининг машҳур беш тамойилидан кейин, келгуши тараққийимизнинг мустақкам илмий-назарий пойдеворига айланган давримизнинг навбатдаги фундаментал ҳужжатларидан биридир.

Қадри муштарийлар! Юқорида биз шарафли 1998 йилнинг атиги битта, аммо янги тараққийимиз йўлини нурлангириб турувчи муҳим бир воқеани тўғрисида ҳикоя қилдик. Энди бу йилнинг илп олимлари, шу йил жароғида юз берган бир-биридан улғувор бошқа воқеалар ва моҳобатли ўзгаришлар тўғрисида газетанинг 2-саҳифасида имкон қадар батафсил ҳикоя қиламиз.

МУСТАҚИЛЛИК МУНАВВАР ЙЎЛ

Асосий йўналишлар белгиланди

Кеча Олий Мажлис биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини ишчи комиссиясининг раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Армак Саидов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маъна-

вий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига доир Ҳаракат дастурини амалга оширишнинг бориши ва бу борада эришилган натижалар муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида комиссия доирасидаги кичик ишчи гуруҳлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди ҳамда комиссиянинг иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

ДАСТУР ДОИРАСИДА ТАДБИР

Намангандаги Бобур номида маданият ва истироҳат боғида «XXI асрга гиёҳванд моддалар» дастури доирасида тадбир ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят Ички ишлар бошқармаси, Давлат автомобиль назорати бошқармаси, наркология диспансери ҳамда Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбир халқро гиёҳвандликка қарши кураш муносабати билан вилоятда ташкил қилинган амалий ишлардан бири бўлди. Тадбирда сузга чиққанлар гиёҳвандликнинг ўнглаб бўлмас аянчи оқибатлари хусусида фикр юритиб, унга қарши курашда ёшларни алоҳида ўрнатилган тақдирлар қачқирдилар.

«Туркистон-пресс».

СОФ ФОЙДАДАН ЯНГИ МАРКЕТ

Яқинда Навбахор туманидаги «Янгирўғон» қишлоғида янги савдо маркети фойдаланишга топширилди. Замонавий усулда қурилган савдо маркази беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг пештахталаридан 620 хилдаги маҳсулот ўрин олган.

Қарийб 4 мингта яқин киши шу ердан керакли маҳсулотларни харид қилади. Туманда савдо айланмаси 20 фоизга кўпайди.

Савдо марказини «Беҳрабат матлубот» ҳиссдорлик жамиятига қарашли қурилиш участкаси қурувчилари 4 ойла фойдаланишга топширди. Дукон жамиятининг ишлаб топган соф фойдаси ҳисобидан бунёд этилди.

Ўз мухбиримиз.

«Галла — 2001» Сирдарёликлар довондан ошди

Ва ниҳоят, миззачўликлар кейинги йилларда биринчи бор давлатга галла сотиш шартномавий режасини бажаришга муваффақ бўлдилар. Қабул манзилларига 186500 тонна дон етказиб берилди.

Вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод, Бобўвот туманлари галлакорлари бу катта галабага муносиб улуш қўшдилар. Ш. Рашидов, Оқолтин, Меҳнатобод каби туман деҳқонлари ўтган йилга нисбатан 3-7 минг тонна кўп ҳосил етиштиришга эришдилар.

Бобўвот туманидаги «Бобўвот», «Тараққийот», Усмон Юсупов номи, Сирдарё туманидаги «Синдоробод», Собир Раҳимов номи, Сайхунобод туманидаги «Шўрўзақ», «Бирлашган» ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнерга етди.

Анорбий Жўраев, Қурбон Носиров, Келдибек Усмонов сингари ўнлаб, юзлаб фермер ва оилавий пулратчилар эса ҳар гектардан ўртача 55-60 центнердан хирмон кўтаришиб, бошқаларга ибрат бўлишди.

Мавсум муваффақиятини таъминлашда 400 та «Кейс» русумли ва Россия компаниялари ҳайдовчилари фидокорона меҳнат қилдилар.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

босарлари иштирок этди.

Бобу вазири ўринбосари, республика Хотинқизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-

ликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурларини бажариш борасидаги олти ойлик фаолияти якунлари муҳокама этилди.

(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик иншоотлари



Шахрисабз шаҳрида йилгига 4800 тонна ип қалаваси ишлаб чиқарадиган «Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон — Япония — Туркия қўшма корхонаси қурилиши айни кунларда жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Яна бир қўшма корхона

Янги корхонани Ўзбекистон томонидан Шахрисабздаги «Садо» ҳиссдорлик жамияти, Япониянинг «Микубиси корпорейшн» компанияси ва Туркиянинг «Бурсел иншаат Ве Макино Сан. Тидж. А.Ш» фирмаси ҳамкорликда бунёд этишаётди. — Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 200 тоннасини трикотаж газамаси ташкил этади, — дейди қўшма корхона

муҳандиси Раҳмат Қўнайинов. — Бу жаҳон бозорига энг талабгор маҳсулотдир. Юз фоизи экспортга мўлжалланган. Корхона ишга тушгач, маҳаллий аҳолидан 400 киши иш билан таъминланади.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона қурилишидан лавҳа; техника назорати муҳандиси Юсуф Днёров. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Воқеа арафасида



Мустақиллик тенгдошлари беллашар бунда

Элимизнинг таниқли санъаткорларининг куй-қўшиқлари ҳам шу ерда янграйди. Болаларнинг жонидили велосипедлар ҳам шу ерда тақдим этилади. Ҳадемай янги ўқу йили бошланади. Ушбу йилнинг энг биринчи нима керак? Албатта, дарсликлар. Бу йил туркиячи сингфа борадиган ўқувчиларга шу ерда барча дарсликлар ҳада этилади. Бундан ташқари қимматбаҳо магнитфонлар, спорт кийимлари, буларнинг бари — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари совриқлари мусобақада гўлб бўлган Мустақиллик тенгдошларига топширилади.

Қачон, қаерда, қандай мусобақа деб қизиқаялсиниз? Марҳамат, газетамизнинг туртинчи саҳифасига қаранг!

Рим легенда қадимги маданият ўчоқларидан бири кўз олдимизга келади. Яна кимдир спагетти макаронларини тасаввур қилади. Бундан ташқари, Италия ўзининг йирик стадионлари, спорт мажмуалари билан ҳам машҳур.

Яқинда бу ердаги ана шундай мухташам спорт марказларидан бирида таъкивандо буйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 74 та давлатидан минглаб спортчилар ўз мамлакатини шайнинг ҳимоя қилиш учун татамига чиқдилар.

Энг қизиги, чемпионатда қатнашган ана шу 74 та

давлат орасида кўп йиллардан бери таъкивандо билан шугулланиб келадиган 55 мамлакат вакиллари биронта ҳам медалини қўлга кирита оlishмади. Шундай бир

Зеро, 68 та мамлакат спортчиларини ортда қолдириш ҳазилкам гапми?! Бу муваффақиятда, айниқса, қизларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Шаҳноза

Италиядан келтирилган медаллар

Шухратжонова, Наргиза Умирова, Луиза Бектемирова, Алла Ким, Инна Хетаг, Ирола Раҳимовалар Италиядан биттадан кумуш медалга эга бўлишди. Вакилларимизнинг умумжамоа ҳисобида олтинчи ўринни эгаллаганини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак.

— Йигитларимиз ҳам бўш келишмади, — дейди республика Тазкивандо фе-

Тўғна

дерацияси президенти Пулат Усмонов. — Дунёнинг энг дондор спортчилари билан татамига чиққан вакилларимиз ўзларининг ниямларга қодирлигини намойиш эта олишди ва мустақиллигимизнинг 10 йилдаги арафасида юртимизга бронза медаллари билан қайтишди. Уларнинг исми-шарифларини тилга олишни истарим: Рустам Ҳамроев, Дмитрий Ним, Леонид Ли, Бобобек Қазақов, Владимир Ким.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙҮЛ

Савоб — улуг инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кунни қилиш керак.


Ислом КАРИМОВ.

бобомизнинг «Куч-адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтиш керак...

калпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ташкил этила бошланди. «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»...

ЯНГИЧА ИШЛАШ ДАВРИ

Мамлакатимизда шиддатли руҳда давом этаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида 1998 йил қандай ўрин тутадиган?



«Осмон юлдузлари харитаси»ни авлодларга тақдим этаётган буюк Ал-Фарғоний фақат илми эмас, балки ҳалқимизнинг чекисиз эҳтиромига сазовордир.

ЭНГ ЮКСАК ҚАДРИЯТ

Президент Ислам Каримов 1998 йилнинг 6 декабрида, мустақил Ватанимиз Конституциясининг 6 йиллигига бағишланган тантанادا тараққиётимизнинг жиддий муаммоларидан бирига эътиборимизни қаратиб, шундай дедилар:

«Амалийда биз кўпроқ эски қайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатларини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва устуң қадрият бўлишини барчамизнинг оғинимизга синдириш жуда-жуда оғир кечмоқда».

Дарҳақиқат, замон ўзгарди. Шўро давлатида асосан давлат манфаати табаррук эди. Жамият ва инсон манфаатлари давлат манфаатлари соҳида қилиб кетарди.

Юртбошимиз аниқлаб айтди: «Манфаат» тўғрисида муносабат ҳам тубдан ўзгариши лозимлигини, энди Инсон манфаати мустақил Ўзбекистонда энг юксак ва энг устуң қадрият бўлиб қолганини кераклигини айтиш керак.

«Ойла» йилнинг муҳим воқеаларидан яна бири — 30 апрел кунининг чакриқиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Ойла кодексининг қабул қилинганидир».

Худди шу йили «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлари қўшма «Буюкнинг шадиди» ҳокимлиги томонидан «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллари» деб номланган лойиҳа таяёрланди.

1998 йилда миллий ўзликини аниқлаш жараёни янги довларга кўтарилиди. Йилнинг бошланғичида, январ ойида «Биз борамиз» номлиги халқаро жамияти қўйилди.

1998

ЙИЛ

13 январь — «Алломиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

27 январь — Ойла манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида ҳукумат Қарори чиқди.

18-20 февраль — Ислам Каримовнинг Украинага расмий ташрифи.

24 февраль — «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» Вазирилар Маҳкамасининг Қарори чиқди.

26-27 февраль — Вашингтонда ўзаро муносабатларнинг турли масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Америка — Ўзбекистон комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

30 апрель — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги», «Фермер хўжалиги тўғрисидаги», «Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги» Қонуналарини қабул қилди.

26 июнь — Президент Ислам Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, жамоат арбоблари билан суҳбат ўтказди.

7 октябрь — Тошкентда «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекча модели» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлди.

23 октябрь — Самарқанд вилоятида Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этди.

27 январь — Ойла манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида ҳукумат Қарори чиқди.

18-20 февраль — Ислам Каримовнинг Украинага расмий ташрифи.

24 февраль — «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» Вазирилар Маҳкамасининг Қарори чиқди.

26-27 февраль — Вашингтонда ўзаро муносабатларнинг турли масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Америка — Ўзбекистон комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

30 апрель — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги», «Фермер хўжалиги тўғрисидаги», «Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги» Қонуналарини қабул қилди.

26 июнь — Президент Ислам Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, жамоат арбоблари билан суҳбат ўтказди.

7 октябрь — Тошкентда «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекча модели» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлди.

23 октябрь — Самарқанд вилоятида Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этди.

24 октябрь — Фарғона вилоятида Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди. Унда Президент Ислам Каримов катнашди.

23 декабрь — Президент Ислам Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда давлатимиз раҳбарининг қилган маърузаси матбуотда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт!» сарлавҳаси остида чоп этилди.

6 ноябрь — Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуниловчи мажлиси ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

23 декабрь — Президент Ислам Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда давлатимиз раҳбарининг қилган маърузаси матбуотда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт!» сарлавҳаси остида чоп этилди.

6 ноябрь — Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуниловчи мажлиси ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

23 декабрь — Президент Ислам Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда давлатимиз раҳбарининг қилган маърузаси матбуотда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт!» сарлавҳаси остида чоп этилди.

6 ноябрь — Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуниловчи мажлиси ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

23 декабрь — Президент Ислам Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда давлатимиз раҳбарининг қилган маърузаси матбуотда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт!» сарлавҳаси остида чоп этилди.

6 ноябрь — Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуниловчи мажлиси ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЭҲТИРОМ

1998 йилнинг илк кунларида матбуотда Ўзбекистон Президенти номига йўлланган куйидаги Янги йил табриги эълон қилинди:

«Бизнинг оиламиз Сизга ва оилангизга ушбу ажойиб байрам дўстларингиз ҳамда яқинларингизнинг ҳарорати билан йўғрилишини тилайди».

Саводатли Янги йил мустақиллик билан: Билл Клинтон, Хиллари Родэм Клинтон, Ушбу табрик мактуби, аввало, ўзининг гондта самимий руҳи билан диққатни тортади.

1998 йилнинг 2 февралда кишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқаруви машхур «Кейс» корпорациясининг директорлари кенгашининг раиси жаноб Жан-Пьер Россо мамлакатимизга ташриф этди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда АҚШ — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада фойдалантирувчи Икки томонлама комиссия ҳам тўзилиб, 28 февралда Вашингтонда шу комиссия биринчи сессиясининг очилишига бағишланган расм бўлди.

1998 йилда бутун мамлакатда янги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ёш авлодга ўз эшигини очди.

Илҳия САФАРОВ.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим корхоналарда сифатсиз, қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, бозорларда мuddати ўтган маҳсулотларнинг сотилиши, булар ўз навбатида инсофсиз рақобатни юзга келтириши, табиий ҳол. Шу боис республикада «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ноқонуний ҳақти-ҳаракатларига чек қўйишдир.

Мазкур Қонун талаблари ижросини назорат қилиш вазифаси эса Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси зиммасига юкланган. Қўмита бу борада, айтиш мумкин, бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Авалло, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Қонун талаблари аҳоли ўртасида, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар орасида кенг тарғиб қилинапти. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида алоқдор ташкилотлар билан биргаликда тушунтириш ишлари, семинарлар ва йиғинлишлар ўтказилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилмапти. Бу йўлда ташқи реклама воситалари ва плакатлардан самарали фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўмита ташаббуси билан оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан «Жалқ сўзи» ва «Народное слово» ҳамда барча вилоят газеталарида «Сотиш тақдирини» йўқлатмаси доирасида «Истеъмолчиларнинг даъво кўпони» жорий этилди. Шу кунгача эса истеъмолчилардан 1000 дан ортиқ даъво кўпонила-

ри олинди. Айни кунларда уларда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тасирчан чоралар кўрилмоқда. Қўмита мутахассислари истеъмолчилар томонидан юборилган ана шу даъво кўпони-ларини жамлаб, диньатсиз ишлаб чиқарувчилар (корхоналар, уларнинг раҳбарлари)нинг рўйхатини тuzмоқда. Ушбу рўйхат эса матбуотда мунтазам равишда ёритиб турилади. Бу ўз навбатида давлат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар жамоалари учун биринчи оғоҳлантириш бўлади. Агар улар кейинчалик ҳам ўз фаолиятларида ҳеч қандай ўзгариш қилмасалар, у ҳолда белгиланган тартибда қаттиқроқ тегишли чоралар кўрилади. Бундан, албатта, аҳоли хабардор этилади.

Бундан ташқари Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамоат ташкилотлари республика федерацияси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эса унинг ҳудудий жамиятлари фаолият юритмоқдалар.

Уларнинг ичида, айниқса, Самарқанд вилояти ҳокимининг «Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти» фаолиятини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги махсус қарори мўҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Жалқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунни ўрганиш ўқув дастурига киририлган ҳозирги кунда шу масалага доир ўқув китобини чиқариш бўйича амалий ишлар қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Товарлар (иш ва хизматлар) ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам Қўмитанинг эътиборида турибди. Шу мақсадда «Ўздавстанд» республика санитария ва эпидемиология станцияси ҳамда «Тошбозортайёрлов» уюшмаси билан ҳамкорликда «Сифатсиз, қалбаки ва мuddати ўтган товарлар кўргазмаси» ташкил этилди. Бу кўргазмадаги маҳсулотлар пойтахт бозорлари ва айрим дўконларда СЭС вакиллари ҳамда бозор мутасаддилари иштирокида республика Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши билан келишклан ҳолда ўтказилган мониторинг натижасида савдо пешхаталаридан тортиб олинган.

Улар орасида республика-мизда ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган вафли торти, печенье, ҳар хил шокладлар, колбасалар, ичимликлар, консервалар, пишлоқлар, қўзиқорин ва майонезлар бор. Чунки ана шу маҳсулотларда ишлаб чиқарувчиларнинг номи, истеъмолга яроқлилиги ва ишлаб чиқарилган мuddати кўрсатилмаган.

Ачинарилси, қалбаки, сифатсиз маҳсулотлар бошқа бозорларда ва дўконларда ҳам сотилмоқда. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар бир истеъмолчи ўз ҳуқуқини билиши, инсофсиз ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни ноқонуний ишларига мурасасиз бўлиши лозим. Шундангина дастурхониниң фақат сифатли маҳсулотлар билан таъминланишига эришамиз.

Д. МИРТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқармасининг бошлиғи.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи қотибияти мудир Т.Норбоева, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов, «Навроз» жамғармаси раиси Д.Ёқубов, «Оила» илмий маркази раҳбари В.Қаримова ҳамда вилоят ҳокимлари ўринбосарларининг ахборотлари тинланди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида мамла-

тимизда оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Оилавий ажримлар сони камайди, туғиш ёшидаги аёлларнинг аксарияти тиббий кўриқдан ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилди. «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларининг бажарилиши юза-

фиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилишда оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш борасидаги барча имкониятлар тўла ишга солинмаётгани, бу борадаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳалигача ҳал этилмаётгани ҳам қайд этилди. Оилалар барқарорлигини таъминлашга доир ишларни мувофиқлаштириш, «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларини янада изчилроқ амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

(У.А.)

ФВВ хабарлари

Фалокат оёқ остида

Мамлакатимиз аҳолисининг тўғилти ва оёқлаштирилган таъминлашда республика Фавқулодда вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмаларининг ҳам муносиб улushi бор. Халоскорлар томонидан олиб борилаётган қўриқув-қўтқарув ишларида сезиларли ўзгаришлар юз берётганидан воқиф бўлиб турибмиз. Қўтқарув кучлари мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган минглаб кишиларнинг турли қўрилишдаги фалокатлардан асраб, рўй бериши мумкин бўлган офатларни бартараф этмоқдалар. Шундай бўлса-да, тох-тоҳида қўнғиласиз ҳодисалар ҳам учраб турибди.

Ертўладаги илонлар

Бу йилги ёз фаслининг анча иссиқ келиши судралувчи ҳайвонларни ҳам безовта қилаётганга ўхшайди. Бўлмаса, Мирзо Улубек тумани, Сафронов кўчаси 47-й ертўласида илон борлиги ҳақида Тошкент шаҳар «Қўтқарув хизмати»га хабар келармики? Наҳотки, илонлар ҳам сажда жой излаб қолган бўлса? Пойтахт қўтқарув хизмати ходимлари юқоридagi манзила етиб келгач, ҳақиқатан ҳам, уй ертўласида илон борлиги маълум бўлди. Қисқа фурсат ичида хонадонда истиқомат қилувчиларнинг ҳавфсизлиги таъминланди.

Шунингдек, «Қўтқарув хизмати»га пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани, Беруний массиви 1-уй, Қоратощ массивидаги 8-уйнинг 21-хонадонларида ҳам илонлар пайдо бўлиши тўғрисида хабар келган. Қўтқарув етиб келгач, хонадон эгаларининг саросимага тушишларига ҳождат қолмади. Бундай таройиб ҳодисалар Самарқанд вилояти фавқулодда вазирлар бошқармаси тезкор наватчилик қисмида олинган маълумотларда ҳам учраётгани.

Калаванинг ўчи топилди

2000 йилнинг 26 апрелидан бошлаб беларус йўқолган 1950 йилда туғилган Ю.Павлов ва 1952 йилда туғилган Р.Фохридинова туғилган илаб топилиши ва шу иш юзасидан жиний иш очилиши керак эди.

Тошкент вилояти фавқулодда вазирлар бошқармасига қарашли «Халоскор» махсус қўриқлаштирилган қидирув-қўтқарув қисми ҳамда пойтахт «Қўтқарув хизмати»нинг гаввослари йилдан бери мақсадда Қўриқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Бўсау» каналда қидирув ишларини олиб боришди. Шу йилнинг 18 июн кун соат 17.30 ларда қўтқарувчи-гаввослар томонидан «БМВ» русумли, давлат рақами 11 F 55 71 бўлган хорижда ишлаб чиқарилган енгил автоуолж юкхондасидан юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг жасадлари топилиши ва канал қирғоғига олиб чиқилди.

Мазкур иш юзасидан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Азамат СУЮНОВ, Фавқулодда вазирлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари.



Сара уруғ — бугдойинг бўйлиқ

Фаргона дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бош корхонасида ўтган йили 4 минг тонна уруғлик доғ тайёрланган эди. Унинг сифат кўрсаткичлари барча ҳўжаликлар деҳқонларига маъқул келди. Сабаби, корхонада украинликлар билан ҳамкорликда яратилган «КЗС-50» уруғлик саралаш механизми тўла қувват билан ишлаётгандир.

— Бу йилги режими 8 минг тонна уруғлик тайёрлашдир, — дейди корхона раҳбари Абдусамал Мамажонов. — Бу эса вилоятнинг 35 фоиз галлазорларига «Фаргонадон»нинг сара уруғлари етказиб берилади, демакдир.

СУРАТЛАРДА: корхона иш фаолиятидан лавҳалар. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОМИССИЯСИНING

2001 йил 28 июндаги мажлиси 42-сонли баённомасига асосан автотранспорт фаолияти учун берилган қуйидаги рақамлардаги лицензияларнинг амал қилиши тугатилди:

- AT №0004860 — «Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси махсуслаштирилган автотранспорт корхонаси» (Тошкент ш.);
- AT №№ 0004584, 0004585 — «Мехмост» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
- AT №№ 0004927, 0004928 — «Ангрен нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Ангрен ш.);
- AT №№ 0005142, 0005143 — «Собир Раҳимов - махсустрас» давлат унитар автотранспорт корхонаси (Тошкент ш.);
- AT №№ 0004760, 0004761 — «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент вилояти, Олмалик ш.);
- AT №№ 0004849, 0004850 — «Агро-юк» МЧЖ (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
- AT №№ 0006031, 0006032 — «Авто Арал-2000» кўп тармоқли фирмаси (Нукус ш.);
- AT №№ 0005086 — «Куvasойцемент» ҳиссадорлик жамияти (Фаргона вилояти, Куvasой ш.);
- AT №№ 0005035, 0005036 — «Охангаронцемент» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Охангарон ш.);
- AT №№ 0005007, 0005008 — «Bravo-Sut» ОТҲЖ шаклидаги ўзбек- литва қўшма корхонаси (Самарқанд ш.);
- AT № 0004851 — «Ўртачирчиқларранда» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани);
- AT № 0000920 — Шахрисабз ҳўжалик ҳисобидagi автошоҳбекат (Қашқадарё вилояти, Шахрисабз ш.);
- AT №№ 0000037, 0000212 — «Навоий автобус такси саройи» ҲЖ (Навоий ш.);
- AT №№ 0001953 — «Автопредприятие-6» ҲЖ (Андижон вилояти, Хонобод ш.);
- AT №№ 0000053, 0000208, 0000386, 0000566, 0000773 — «Олтин водий» ҲЖ (Навоий вилояти, Зарафшон ш.);
- AT №№ 0000664, 0000459 — Давлат акциядорлик жамияти «Автокомбинат №3» (Тошкент ш.);
- AT №№ 0000021, 0000151, 0000340 — «10-чи Кўкон автобус парки» ҲЖ (Кўкон ш.);
- AT №№ 0000274, 0000444, 0000644, 0000872 — «Қашқадарё трансэкспедиция» ОТҲЖ (Қарши ш.);
- AT №№ 0000269, 0000439, 0000639, 0000867 — «Тошвилоят трансэкспедиция» акциядорлик корхонаси (Тошкент ш.);
- AT №№ 0000052, 0000207, 0000385, 0000565, 0000772 — «118-Карвон» ОТҲЖ (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани);
- AT № 0002348 — «Ўзсувқурилиштранс» республика автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-чи давлат автотранспорт корхонаси (Наманган ш.);
- AT №0005016 — «Наманганга» вилоят бошқармаси (Наманган ш.);
- AT №0006249 — «Автосанмплект» ОТҲЖнинг Кўкон автотранспорт корхонаси (Навоий вилояти, Навбахор тумани);
- AT №№ 0003051, 0003052 — Навбахор автотранспорт корхонаси бирлашмаси;
- AT №№ 0001730, 0001731 — «ОРС-10» ТПАО «Нефтегазснабжение» ОТҲЖ (Тошкент ш.).

Лицензиялар бекор қилинди:

- AT № 0005985 — Қоратов йўл қурилиш-таъмирлаш бошқармаси (Нукус ш.);
- AT № 0005358 — «Азат» кўп тармоқли хусусий кичик корхонаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай тумани);
- AT № 0005924 — «Северный» кичик корхонаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот тумани);
- AT № 0005775 — Беруний механика таъмирлаш заводи (Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний ш.);
- AT № 0006304 — «Беруний автобазаси» ОТҲЖ (Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний ш.);
- AT №№ 0005698, 0005699 — «Пойарик тумани машина-трактор парки» ДАЖ (Самарқанд вилояти, Пойарик тумани);
- AT № 0005753 — «Оқдарё тумани агрокимётаъминот» ҲЖ (Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани);
- AT № 0006438 — «Зарафшон» кўп тармоқли кичик корхонаси (Самарқанд вилояти, Нарпай тумани);
- AT № 0006503 — «Озод» ўзбек-украин қўшма корхонаси (Самарқанд вилояти, Ургут ш.).

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур кичик комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарган ушбу йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари — ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг мунтақавий комиссияларини раҳбарлари, мониторинг ўрнатилган вазирлик, идора, республика тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакат Президентини фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари бажарилишини таъминлаш бўйича кичик комиссия томонидан вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш ва мuddати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик борасида олиб

борилган ишлари атрофида муҳокама қилинди. Кичик комиссия мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идора ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари раҳбарлари билан бирликда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар аҳолининг ҳар ҳафтада таҳлил қилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида жойларда тезкор зарур чора-тадбирларни амалга ошириди.

Йиғилишда жорий йилнинг январь-июн ойларида мuddати ўтган дебиторлик қарзларининг белгиланган мuddатларда камайирилишини таъминлаш, тўловга қобилиятсиз, мuddати ўтган қарзларнинг ўсишига йўл қўйган ва олинган тўловларсиз маҳсулот жўнатган ҳамда хизмат кўрсатган жами 82 та ҳўжалик субъекти бўйича материаллар кичик комиссия томонидан прокуратура органларига тақдим этилгани қайд қилинди.

Прокуратура идоралари томонидан 2001 йилнинг I ярмида ўтказилган текширишлар натижасига жўна, 99 та ҳўлат юзасидан жиний, 2360 та ҳўлат юзасидан маъмурий, 471 та ҳўлат юзасидан интизомий, 144 та ҳўлат юзасидан моддий жавобгарлик чоралари кўрилди ва жами 18 миллиард сўмлик қарзларни ундириш

юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, комиссия томонидан банкротлик аломатларига эга бўлган ва тўлов қобилиятини йўқотган 99 та ҳўжалик субъекти бўйича ҳўжатлар январь-март ойларида Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасига тақдим этилгани ҳам таъкидланди.

Натижада 2001 йил I июн ҳолатига кўра мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларда мuddати ўтган дебиторлик қарзлар пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

Қайд этилдики, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси, «Ўзэлектростант», «Ўзманшот» уюшмалари, Олмалик тоқон металлургия комбинати, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги корхоналарида умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш бўйича тасирчан чоралар кўрилмапти.

Вазирлик, идора ва тижорат банклари ҳамда минтақавий комиссиялар раҳбарлари зиммасига ҳудудларда ҳар бир ҳўжалик субъекти бўйича мuddати ўтган кредиторлик қарзларини тугатиш, умумий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайитириш чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилди.

(У.А.)

ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Манфаатдор фирмаларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маълумотларини жўнатиш корпоратив тармоғини яратиш учун машина ва ускуналар етказиб бериш бўйича тендерда қатнашишга таклиф қиламиз.

Тендерда қатнашишга буюртманомалар тендер комиссияси кўриб чиқиши учун 2001 йил 20 июл соат 17.00гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки. Телефонлар: +998 (71) 137-59-34, 137-59-35. Факс +998 (71) 137-62-68.

Буюртманома шаклини олмоқчи ва тендер шартлари билан танишмоқчи бўлсангиз, юқорида кўрсатилган манзил бўйича Телекоммуникация ва тармоқ технологиялари бошқармаси бошлиғи Йўлдошев Искандар Рустамовичга мурожаат қилинг.

Тендерда қатнашиш учун ҳўжатлар тўлиқ тўплами Миллий банк тендер комиссиясининг дастлабки малака кўригидан ўтган иштирокчиларга берилади.



Сизга шеър айтгим келди

Сувда

Сувда оқиб кетаялман мен, Узилган бир атиргул бўлиб. Япроғида марварид томчи, Хали-вери қолмайман сўлиб.

Сувга ўзинг ташла-ю тезроқ, Сузиб чиққин ёнимдан менинг, Жавлон урсак, икков отиб шох. Бахт айлансин жонимдан менинг.

Икки марта ўлмайдн инсон, Тугилар лек кунда мунг бора. Ун саккиз ёш бўлиб туғилсам, Сен поклаиб борсанг тобора...

Ишонмайман аммо ўзингга, Қараб туриб алдар кўзингга, Ишонмайман, ёнимдалигинг, Ҳатто дилдан айтар сўзингга.

Чунки дилинг борлиги ёлгон, Ёлгон ҳатто ҳаётлигинг ҳам. Бахтиёр ё зорицинг ёлгон, Ширин азоб, гам, шодлигинг ҳам!

Сувда оқиб кетаялман мен, Узилган бир атиргул бўлиб. Шу сувларда яшайлик дейман, Ишқ аталмиш сафога тўлиб...

Сизга вафо қилмаган

Эрка нигоҳларда эриб яшадим, Яшадим қувончи ҳамроҳ қулларда. Ишониб бахтли ол мўл деб яшадим, Хотирам ҳоритиб гаминок қулларда

Бу учқур умрда тоза кўнглимдай Не ажаб, ёш тўқдм ой юзларни деб. Ҳар лаҳза қўчажак қарвондан жилмай Ҳар лаҳза кўз тикдим ёр сўзларни деб.

Сизга ҳам вафолар қилмаган санам Вафо қилгани йўқ бизга ҳам охир. Қилмиш-қийдиримиш поз, фироқ, ситам Жафолар қилди кўп бизга ҳам оғир.


Эрка нигоҳларда эриб яшаган Қулларнинг гам, охи оҳ, қачон арир? Гамларга бағричи бериб яшаган Тулларнинг ҳамроҳин сийларни тақдир?..

Умидо АБДУАЗИМОВА.

Воқеа арафасида

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ БЕЛЛАШАР БУНДА

Олдин хабар қилганимиздек, шу йил 15 июл куни пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида каратэ бўйича "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари соврини учун республика мусобақаси ўтказилади



Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, республика Каратэ милди федерацияси ҳамда Мувоффақ вазири билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мазкур беллашуларда 1991 йилда туғилган ўғил ва қиз болалар иштирок этишади. Каратэ бутун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда энг оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Шарқона яккакураш турларидан саналган каратэ (япончадан таржимада "қуруқ қўл билан ҳимояланиш" маъносини англатади) нинг дастлабки шакллари ўн еттинчи асрда Окинава оролида юзга келган. Айрим даврларда каратэ билан шуғулланиш маън қилинган бўлса-да, унга бўлган қизиқиш сусайган эмас. Аксинча, яширин ҳолатда бошқа давлатларга тарқайверган.

Бугунги кунда каратэнинг 200 га яқин усуллари мавжуд. Шулар орасида Сето-Кан, Голд-рю, Валдо-рю энг кўп тарқалган оммавий усуллар ҳисобланади. Статистика маълумотларига қараганда, ҳозир бўйича 20 миллиондан ортиқ киши каратэ билан мунтазам шуғулланиб келади. Каратэнинг ривожланиш даври бошлангани 1921 йилга тўғри келади, десак ўринли бўлади. Айнан шу йилни оқинаваллик мактаб ўқитувчиси Фунакиси Гитан каратэни илк бор жамоатчилик олдига расмий равишда намойиш этган. Аста-секин оммавийлашиб кетган каратэни Олимпия ўйинлари дастурига олиб кириш мақсадида мутасаддилар ушбу спорт турининг бир неча усулларини бирлаштиришди.

Биринчи жаҳон чемпионати 1970 йилда Токиода ўтказилган. Унда иштирок этган 33 та давлат вакиллари Каратэ ташкилотининг бутунжаҳон иттифоқи (WUKO)ни тuzалиди. Кейинчалик бу ташкилот Бутунжаҳон каратэ федерацияси (WKF)га айлантирилди. Мазкур ҳалқаро ташкилотнинг аъзоси бўлган Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси 1996 йил 11 сентябрда ташкил этилган. Каратэчиларимиз ҳозирда дунёнинг 155 та мамлакатидagi ҳамкасблари билан алоқа ўрнатилган. Федерациянинг "Интернет" тармоғига улангани бу борада катта имкониятлар яратмоқда. Каратэнинг Ўзбекистондаги ривожига ҳақида гап кетганда Алишер Тўрмунов, Талъат Нигматуллин, Владимир Миронов каби номларни тилга олиб ўтиш жоиз. Эндилкида уларнинг иштини федерация президенти Н.Нафасов бошчилигидаги Т. Мирзиёлов, М. Голлованов, Х. Ҳўжакулов, Б. Раҳмонов олинган филоний мураббийлар оқсак суръатда давом эттиришмоқда. Дунёнинг турли бурнақларида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этаётган оқ кийимли лочинларимиз охириги беш йил ичида 210 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишди. Ана шулар орасида 9-10 ёшли спортчиларимиз ҳам кўп бора олис ўлкаларда давлатимиз мадҳиясини янграшди. Уларнинг галабаси шаънига мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилди. Болалигидаёқ чемпион номини олиб улгурган шу ёшлар 15 июл куни "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари совринини қўлга киритиш учун татамига чиқадилар. Ҳозирда улар ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Таҳририятимизнинг болалар учун энг қимматли саналган антиқа совагаларини қўлга киритишда "Каратэ" профессионал маркази, "Азамат Карим", "Колокан", "Эркин", "Фарход" клубларида шуғулланаётган ўғил-қизларнинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. XXI аср — Ўзбекистон асри. XXI аср — баркамол авлод асри. Уқишда ҳам, спортда ҳам ўзини кўрсатаётган 10 ёшли ўғил-қизларга тикилиб бир нарс хаблимдан ўтади: улар чиндан ҳам баркамол авлод бўлиб воғта етади. Улар ролдан ҳам Ўзбекистон шўҳратини оламга ёйишди. Фикрларимизга шўбхангиз бўлса, улар иштирокидаги табирин ўзингиз келиб кўринг. "Минг марта эшитилган, бир марта кўрган афзал", деб бежиз айтганимиз, ахир.

Озод РАЖАБОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Одам гўзаллиги — суратчи нигоҳида

Қадимий Самарқандга ташриф айлаган меҳмонларнинг аксари шундоқкида Регистон ёнида жойлашган Ўзбекистон халқлари маданияти ва тарихи музейига ҳам қадим ранжидида қилади. Бу ердаги мезийдан сўзловчи бой экспонатларни қизиқиш билан томоша қилишади. Биринчи қаватдаги кўргазмалар зали эса ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмайди.

Бугун ана шу залга киришнингиз ҳамонюқ ҳам мавзу, ҳам таъсир жиҳатидан бири-бирини тақдорламас фотосуратларга нигоҳингиз қадалади. Уларга боқиб кўзингиз қувнайди, қалбингиз қувончга тўлади. Негаки, бу суратлар мустақиллик давридаги аажойиб ўзгаришларни, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий жаҳаллардаги ютуқларни ўзида акс эттиради. Сизни сўлим болаларга, гўзал тоғларга, бепоён далаларга, зилол суви сойларга стақалади. Меҳнаткаш, меҳмондўст, қалби пок инсонлар даврасига орлайди, улар билан суҳбат қургандай бўласиз.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Зарафондан воҳси бўйича суратчи мухбири Тоҳир Норкулов ижодида оид бу кўргазма республика мустақиллигининг ўн йиллиги мусобабати билан ташкил этилди. Бугун самарқандликлар ва меҳмонлар бу кўргазмани катта қизиқиш билан томоша қилишарди.

А. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Матнаош ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2615, 20392 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА. Мусоҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босингга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6

Астафурullo

Тувакдаги «ихтиро»

Одатда тувакларда фақат гул ўстирилади. Хатирчи тумани марказидаги Янгиробод шаҳарчасида яшовчи Фулом Нурмурадов эса ана шу идишда кўкнор гиеҳандлик ўсимлиги ўстиришни «ихтиро» этди. Ҳовлисининг лавна-пасткам бурнақларида бетон қулардан асраб кун ора жойини ўзгартириб қўйверди. Ойлар ўтиб бу заҳар-заққум бинойидек буй кўрсатди. Кўкнорихасл Фулом эса унинг ўзидан кўра ҳидидан кўпроқ завқилар, атрофида куну туни паровоя эди. Расад этилишини интизорлик билан кутарди. Аммо эрта-индин ширасини оламдан деганда унинг гаразли мақсади Ички ишлар бўлими ховлиларига етиб борди. Гуллар орасидан сирли идишда (кастроляк) яратилган «ихтиро» бутун туманга овоза бўлиб кетди. Бугина эмас, уйининг киши кўрмас жойларидан маълум миқдорда марихуана ва опий гиеҳандлик моддалари ҳам «мана мен» деб чиқиб қолди. Бу ҳам панд берган «ихтиро»га қўшилиб меҳнат қилишни гардонига олмаган Фулом Нурмурадовни беш ярим йил муддатта Темир панжаралар билан ўралган манзилга элтиб қўйди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Hubert H. Humphrey Fellowship Program 2002 - 2003 Academic Year

The Public Affairs Section of the U.S. Embassy in Tashkent is now accepting applications from those interested in applying for a study grant in the United States under the auspices of the Hubert H. Humphrey Fellowship Program.

The Humphrey Program brings accomplished professionals from selected developing countries of the Newly Independent States, the Middle East, Africa, Latin America, and the Caribbean to the United States at a mid-point in their careers for a year of study and related professional experience. The program provides a basis for establishing lasting ties between citizens of the United States and their professional counterparts in other countries, fostering an exchange of knowledge, and increasing mutual understanding. Fellowships are granted competitively to professionals in the public, non-governmental and private sectors who demonstrate a commitment to public service.

The Hubert H. Humphrey Fellowship Program emphasizes public policy, leadership, and management. It provides future leaders with direct experience of current American approaches to the fields in which they work as well as first-hand knowledge of American society and culture. It is designed to meet the requirements of policy makers, planners, administrators, and managers who have a public service orientation, have demonstrated leadership potential, and are committed to their country's development.

Fellowships are granted to public and private sector candidates with a commitment to public service in the fields of communications/journalism, natural resources and environmental management, agricultural development/agricultural economics, finance and banking, human resource management/personnel, law and human rights, urban and regional planning, technology policy and management, educational planning and public health policy and management. In addition, there is drug abuse component in the field of public health policy and management, emphasizing drug abuse education, treatment and prevention.

Eligible candidates must have an undergraduate degree, five years of substantial professional experience, proven leadership qualities, and a high level of English language proficiency.

Application forms are now available at the Public Affairs Section of the U.S. Embassy (41 Buyuk Turon St, Sharq Building, Tel. (8 - 71) 133-70-96, 133-35-81, 133-59-74). These forms are free of charge and may be photocopied. Completed forms must be returned to the Public Affairs Section not later than September 1, 2001. Applicants who successfully pass the preliminary screening process will be invited for an interview.

Applications can also be accessed electronically using Adobe Acrobat at the Hubert Humphrey Website (http://exchanges.state.gov/education/hhh). These forms can be completed by the applicant on anycomputer equipped with Microsoft Word software.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги клиника ва жамоат ташкилотлари, терапевтик стоматология кафедраси жамоаси доцент, тиббиёт фанлари номзоди Сейран Бекташевга онаси ФЕВЗИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви, қасаба уюшмаси ва жамоаси банкнинг етакчи инспектори Раҳимжон ота МҶМИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси меҳнат жамоаси бурғиллаш техникаси ва технологияси бошқармасининг бош мутахассиси Абдувосит Каюмужаевга отаси Абдусалом ҚАЮМХУЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси компания бош мутахассиси Алжон МАМАТҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ташкилот Ригада ишлаб чиқарилган ЁРИТГИЧЛАРНИ тақлиф этади. LPO 42-2 x 36. Шунингдек, бошқа турдаги ёритгичларни ҳам буюртма асосида етказиб беради. Тел.: 137-06-86, 137-06-88.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИГА Архитектура, қурилиш, геодезия ва кадастр, иқтисодиёт, касбий таълим, информатика таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича. БАКАЛАВРИАТУРА ВА МАГИСТРАТУРАГА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА. Аризалар 2001 йил 20 июлгача қабул қилинади. Бакалаврият учун тест синовлари 1 август кунин, магистратура синов имтиҳонлари 3-10 август кунлари ўтказилади. Манзилимиз: 700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси 13 (Мўлжал: Санъат саройи ёнида). Тел. 41-14-52.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё темир йўл дирекциялари ҳамда компания Оролбўйи бўлими ТУГАТИЛАДИ. Давоалар 2001 йил 1 сентябргача юқорида номлари кўрсатишган корхоналарда ва Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уйда қабул қилинади. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси.

Реклама ва эълонлар 136-09-25